

ОИЛА БАХТИ-ЮРТ БОЙЛИГИ

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади.

Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли аъёналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилятлар аввало оилада шаклланган.

Ислом КАРИМОВ



Кўни-кеча Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳот боғида Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳамда «Оппа ва Ҷамият» газетаси ҳамкорлигида «Оила бахти — юрт бойлиги» деб номланган тадбир ўтказилди.

Абдуғафур Расулов, Холмурод Шарипов, Абдувоҳид Сатторов, Азиз Комилов, Мансур Самигҗонов бош бўлган оилалар анжумани ахли томонидан оқилшланди. Намунали оила мавзuida баҳс мунозаралар қизигандан-қизиди, кўл-қўшқилар янгради.

Суратда: М. Самигҗоновлар оиласи
М. Мирсодиқов оиласи

КЕКСАЛАР—ОИЛА ТАЯНЧИ

Келажак авлоднинг дунёқарashi, эътиқоди ва маданияти аввало оилада шаклланади. Асрлардан асрларга ўтиб келаятган урф-одатларимиз, маънавий бойлигимиз ўз қадр-қимматини топади. Файзиев Жалил ота оиласини Занги-ота туманидаги Акмал Икромов номли жамоа ҳужалигида яхши танишади. Оилабоши Жалил ота 43 йил кўн заводида ишлаб нафақага чиқди. Турмуш ўртоғи Нафисахон опа билан саккиз фарзандни вояга етказди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, ҳаётда ўз уринини топишган.



Шоҳида — дорипунос, Дилором, Гулчеҳра — меҳрибон тарбиячи. Дилдора билан Феруза — ҳамшира. Катта ўғил Одижон ака кўпга бош-қош, тadbиркор ва тажриба-

ли раҳбар. Фозилжон ва Қодиржоннинг касби шифокор. Нафисахон опа билан Жалил ота 33 та набира ва 2 чеваранинг суюкли момоси ва бобосидир. Яқинда бу оилада

қушалоқ байрам бўлади. Оила таянчи, кекса авлод вақили Нури бувининг 90 йиллик юбилеи ҳамда Жалил ота билан Нафисахон опанинг олтин тўйи нишонланди.

Ахборот

ДЎСТЛИК МАДҲИЯСИ ЯНГРАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Тожикистон Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган «Маданият ва ижтимоий соҳалар бўйича ҳамкорлик туғрисида»ги битимга кўра, шу йилнинг 29 июнидан 5 июлгача Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кўнлари бўлиб ўтмоқда. Ҳафта давомида Тожикистонлик маданият ва санъат намояндалари билан Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида учрашувлар, маданий-оқартув тadbирлари ўтказилади, дўстлик, тинч-тотувлик, меҳру муҳаббат шайнига қуилар, шеърлар, мадҳиялар янграйди.

Кеча ана шу катта тadbирнинг очилиши пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида ўтди. Сарой фойеида «Тожикистон — мустақиллик йилларида» номли фотокўргазма, китоблар ва этнография кўргазмалари очилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий Кўргазмалар залида Тожикистон рангтасвир усталарининг асарлари намойиши бошланди. Шунингдек, Республика Киночилар уйида Тожикистон Республикаси кино ҳафталиги ўтди.

Г. УМАРОВА

Шу куннинг нафаси

Хали ҳамон эсимда. Мустақилликка эришгач бир томонда бозор иқтисоди, бир томонда диний эркинлик, бир томонда миллий қадриятларимиз юзага чиқди. Биз ишонган эътиқод — коммунистлар мафкураси чок-чокидан суқилиб кетди. Шунда фикри бўш ўқитувчи мактабидан, шифокор касалхонадан, ҳаттоки олимлар ўз илмий ишларидан «воз» кечиби, даромадли ишлар қидирди. Мана шунда эски мафкура ўрни бўш қолди. Президентимиз айтганларидек: «...қаердаки, мафкурaviй бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилишни тайин». Бизни таъсирга олмақчи бўлган гуруҳлар, оқимлар вужудга келди. Шукрлар бўлсинки, сувлар тиниб, лойқалар чўқди. Орадан етти йил ўтди. Дунёқарашимизга, ўз фикримизга эга бўлдик. Юртимиз осмони мустақолашди.

Агар бугун мендан «қайси давр яхши эди?» — деб сўрашса, ўз виждоним олдида ёруғ юз билан «мустақилликка эришган куним» дейман.

Сабаб — умримнинг энг баракали йиллари, сал кам чорак аср фикр айтишга, ташаббусга ҳаққим йўқ эди. Энди эса — «Сенинг қандай фикринг бор?» — деб сўрашяпти. Бу энг улугъ неъмат эмасми?

Мафкура деганда маълум бир миллатнинг, халқнинг, давлатнинг манфаатлари ифодаланган мақсадни тушунаман.

Демак, мафкуранинг мақсади инсон манфаатларига тўғри келиши лозим. Биз бугун беамалол танқид қилаётган коммунистлар мафкураси сунъий инсонпарварлик эди. Бу эса менга ёқмайди. Чунки менинг эътиқодимни, интилишимни бошқа бировнинг лоқайдлиги, бепарволиги билан барабарлаб қўяди. Демак,

бу мафкура менинг манфаатимга зид.

Яна бир мисол. Диний экстремистлар эркинликдан фойдаланиб, ёшларни ўз томонига жалб қилишга уринишди. Улар дин йўлида ота-онага ҳам итоат этилмайди, дейишганда, мақсадлари ошкор бўлиб қолди. Фарзандни ота-онадан ажратадиган мафкура — гирром мафкурадир. Исломи динига ҳам бундай мафкура зиддир. Демак, биз ёшларни фикрлашга, мулоҳаза қилиб кўришга ўргатишимиз зарурлиги келиб чиқади. Бугунги кун олдимизга ватани учун чин дилдан қайғурадиган, элига садоқатли, қалбида миллий ифтихор туйғуси жўш урган ёш авлодни тарбиялаш вазифасини қўяди.

Демак, зиммасида шундай улугъ ишлар турган тарбиячи, ўқитувчи, ота-она ана шу эзгу, олий мақсадни байроқ қилиб кўтариб юрмоғи керак. Улугъ аждодларимиз асос солган дунёқараш, эътиқод, мафкурани замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Биз энди аниқ биламизки, кенг қўламдаги билимга эга бўлган, ҳар хил «изм»лардан озод ёшларимизгина порлоқ келжакни барпо этишга ва уни химоя қилишга қодирдир.

Ушбу уринда Президентимиз «Халқимизни яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмасликка даъват этмоқчиман: эл-юртимизнинг, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг эсон-омонлиги бизнинг энг катта ютуғимиз ва бойлигимиздир. Бу бойлиқни кўз қорачигидай асраб-авайлаш, қадрига етиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир» — деган сўзларини такрор-такрор ўқийман. Зотан, соғ-омон этилиб келаятган фарзандларимиз, Кўёш қулиб, Ой тулиб боқаятган кун-тўнларимиз, дастурхон тўла неъматларимиз, мусаффо осмонимиз ҳамда айтишга арзийдиган фикримиз ва ташаббусимиз учун Яратганга беадад шукроналар қилуримиз. Илоҳим ушбу неъматларини давомли қилсин.

Ҳамдам ТҲҲИЕВ

«Оила шажараси» танловига

ВАЛИЙЛАР АВЛОДИДАНМИЗ

Авлодларимиз ҳақидаги маълумотларни дадамлар ёзиб қолдирганлар. Ҳозирча ун саккизта ота — боболаримнинг исмини билишга сазовар бўлдим. Қўйида уларнинг исмини келтираман:

1. Исомиддин — дадам.
2. Нурихўжа — бобом.
3. Абдуҳалил — бувам.
4. Давидхўжа.
5. Худойқўлхўжа.
6. Сугирхўжа.
7. Мамасолихўжа.
8. Ҳакимхўжа қози.
9. Ўббихўжа қози.
10. Нуралихўжа қози.
11. Мирҳайдархўжа қози.
12. Шодмонхўжа.
13. Саидахмад валий.
14. Мавлон.
15. Ойнархўжа.
16. Яхёхўжа.
17. Абдулазиз мавлоно.
18. Сулаймон валий.

Авлодимиздан икита валий ва тўртта қози чиққан. Ота-боболарим ўз даврининг ўқимшли кишилари бўлишган.

Ш. Нуриев.

Қуйи Чирчиқ тумани, Қўрган қишлоғи

ХАЙРЛИ ИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Ёшлигимда ота-онанинг боболарим ҳақидаги гапларига эътибор бермасдим.

Энди билсам улардан урганишим, ўрнатилишим зарур бўлган нарсалар кўп экан. Ҳозир икки-учта отадан олдинги авлодни танимай қолаётимиз. Сабаби насл-насабимизни яхши билмаймиз. Лекин хайрли ишнинг кечи йўқ дейдилар. Ҳар ҳолда етти пуштини билган одам кам бўлмайди. Ёшим олтимишда. Қарлик гаштини суриш билан бирга авлод-аждодларимизни урганаёман.

1. Отам — Мамадёр.
2. Бобом — Ҳасанхон.
3. Отаси — Мумин.
4. Унинг отаси Йўлдош.
5. У кишининг отаси — Полвонбой.
6. Унинг отаси — Искон.
7. У кишининг отаси — Тожи.

Буллар ота уруғидан билганларим. Она томонини ҳам урганаёман.

У. ТОҲИЕВ

Қаллол тумани,
Сарибозор қишлоғи

Оқибат

Курсдош дугоналаримдан бирининг отаси ҳеч қачон йўқлаб келмас, барчамиз ота ҳақида тўлиб-тошиб гапирсак, у бир четда маънос торттиб утирар эди. «Нега сен отанг ҳақида гапирмайсан?» — десак, «Нима дейин, менинг отам ҳам барча оталар каби иззатли, ҳурматли одам, ишлари қўллиги тўғайли келиб кўролмайдилар. Борганимда пул бериб юборадилар. Жуда меҳрибонлар», — деб қўярди. Биз унинг отаси ҳақида ҳам дуо қилардик. Чунки шундай дугонамизни отаси ҳам албатта яхши бўлиши аниқ.

Уқини битириш арафасида у узига муносиб жойга уза-тилди. Тўйга бордик. Жуда ажойиб тўй бўлди. Аммо уни отаси кўринмасди. Уша ерда дугонамизнинг отаси гўдакли-гидедек ташлаб кетгани, онаси бечора беш болани ўзи оқ юзиб, оқ тараб катта қилганини эшитдик. Курсдошларимиз ниҳоятда фаросатли, тушунган бўлганлари учун унинг отаси йўқлигини билганимизни сездирадидик. Аксинча, барча унинг ақли, бардошига қўйил қолди.

АГАР ОТАНГ...

Тўйдан қайтар эканмиз кексалардан эшитганим бир гап ёдимга тушди. «Агар отанг девона бўлса, боғлаб қўйиб бок», — дейишарди улар. Бу ҳикматли сўзлар замирида улкан маъно бор. Ҳамма оталар ҳам бир хил эмас. Яхши оталар ҳақида қанча яхши гапирсак оз, аммо ёмон ота ҳақида ҳам ёмон гапирмаслик керак экан. Чунки у ким бўлмасин, ота. Ким бўлмасин, сен унинг пушти камаридан бўлгансан. Агар у девона бўлиб қолса, унинг бу қулфани бирга торт. Балки у ҳаётнинг бирор бир зарбасини егандир. Бу ўчун ундан кечиш керак эмас. Уни ўша ҳолатда ҳам боқибнинг керак! У сенинг отанг. Уни ҳеч қачон алмаштиролмайсан.

Яна бир дугонамиз бор. Отаси катта лавозимда ишлагани учун кишлоқ ҳужалик ишларига бормас эди. Олийгоҳда ҳаммадан яхши кийинарди. Бизнинг биттадан пальтомимиз, биттадан плашмимиз бўлса, уники ўн тадан ортиқ эди. Бриллиант деган тақинчоқни биринчи бўлиб унда кўрганмиз. «Шу битта узугимга иккита машина беради» — деб мактан-ганда, чапани синфдош йигитлардан бири очикчасига «Агар отангизнинг мол-мулки билан талтаёверсангиз, қўлингиздан ечиб, ўша узугингизни кўчага улоқтираман», — деган эди. Шунда олифта қиз «Фу, бу тақинчоқларни отам олиб берган дейсизми, отамни номи — улуг, супраси — қуруқ. Бу мол-дунелар онамники», — деб қолса бўладими. Барчамиз озгизимизни лаг оқиб қолдик. Сабаби, уни ўқишга ҳар кун отасининг машинаси олиб келиб, олиб кетарди.

Кейинчалик биз у қизга эътибор ҳам бермай қўйдик. Унинг бор-йўқлиги билинмасди. Орадан йиллар ўтиб эшитсак, у отасининг ишдан кетишига сабабчи бўлибди. Онаси вафот этган, отаси уйланимиз учун, отам ахлоқан яхши одам эмас, деб турли ташкилотларга шикоятлар ёзбиди. Ўзи эса отасининг орқасидан баланд-баланд иморатлар қурди. Отасининг танишлари тўғайли яхши лавозимли бўлди. Яхши жойга узатилди. Хали-ҳамон беги узанида — бу хоним кўрнамаликни узига касб қилиб олганидан ёқа уш-лаймиз.

«Энг разил, аини пайтда энг оддий ва азалий кўрнамалик — бу фарзанднинг ота-онани қадрламаслигидир», — деган экан француз ёзувчиси Люк Декарпье Вовенарг.

Зулфия МҲМИНОВА

Шукур Холмирзаев

БУ ДАРЁ НЕЧУН КОФИРНИХОН?

Нима бўлгандаям Оила — жамиятнинг ушқоқдек шақли, қолаверса, унинг кўзгусидир. Шунинг учун улкан ёзувчилар маълум бир жамият ҳаётини маълум бир оиланинг кечмишида акс эттирганлар: томчида қуёш акс этганидек.

Камина гапни Оила ҳақида бошладим. Муддао — шу муносабат ила бошқа инсоний қадриятлар (Оила ҳам энг улуг қадриятдир!) ҳақида ҳам сўзлашдик. Сузла-ганда ҳам қадриятларнинг энг қадимги, демак, ибти-доий илдизлари, тўғрироғи, ибтидоий ҳаётга ҳос — ўша ҳаётнинг мохиятини очиб берувчи, ўша ҳаётни-нг бугунги кўнлар пойдевори бўла олгани ҳақида қадимшунослик-қавмшунослик фанларимизга номатўм бўлган айрим маълумотларни муқтарам газеткам билан баҳам кўришдик.

Бу муъжаз асарларнинг жүрфияси кенг: ўзим ту-гилган макондан тортиб, ўзим яшаб турган манзиллар-гача келади. Қолаверса, бу улуг Туркистон мамлака-тининг беғим етган ерларига қўлогимга чалиниб, та-саввуримда суратланган воқеалар (маълумотлар) ҳам уз ўрнида шарҳланади.

МУАЛЛИФ

Сурхон улқасининг энг катта дарёларидан бири — Кофирнихон деб аталади. У Ҳисор тоғларидан бошланиб, йўлақай Тўпалондарёю Тентаксоилардан ҳам сув олиб, тўлиб-тошиб оқади. Тўғри, мавсумига қараб ўзандаги сув гоҳ озаийб, гоҳ қу-пайиб туради. Табиий, баҳорнинг авж палла-сида дарё суви қирғоқ-лардан ошади, тошади: экин майдонларини босади, қўп хонадон-ларни таг-туғи билан ювиб кетади. Ана шун-да «дарё(ни) қутирди», дейдилар. Ёз бошла-ниб, тоғларда қорлар эриб битгач, наҳрининг суви тўбига тушиб ҳам қоладики, уни қўрган-лар уқиб, серсув ма-ҳалларини ҳўрсиниб эслашади. Табиатимиз шундоқда: на иссиққа чидамимиз бор, на со-вуққа.

Бир баҳор дарё тош-гандан тошаверибди, тошаверибди. Қирғоқ-лар емирилиб битган: сувлоқ нима, соҳил нима — билин-май қолибди. Қабилянинг паҳса деворли қўлбалари ювилиб кетибди, қалалари-чайлалари бутана сув устида уйноқлаб юрармиш. Ададсиз мол — қаттаси ҳам, ушғоғи ҳам селга ем бўлибди. На-ри-беридаги қирларга қочиб чиқиб, ёнбағирларда ўйилган тулалардаям тунашининг ило-жи қолмабди: сув сатҳи кў-тарилиб, уларга ҳам кира бошлабди.

Қирлар ўрқачига чиқиб олган қабила аъзолари қуни-ш-дийдирашиб, бало-қазо-дек уқириб оқаётган дарёга даҳшат билан тикилишар, гуё «қутирган наҳр» ўрқачлар-га ҳам етиб келиб, тирик жонни таъкиб этаркан.

Хуллас, улар туғилиб-яшаб бундай сел-тошқинни кўришмаган экан.

Табиий, дарё суви кўта-рила бошлаши билан Сув Тангрисига талай тўхфалар тортиқ қилишган, яъни алла-қанча молларни сўйиб, қони-ни сувга оқизишган, ҳатто жониворларнинг таналарини ҳам тошқинга ташлашган, лекин нафи бўлмаган, аксин-ча: сув пишиқиб-ўқириб, кутарилгандан кутарилавер-ган.

Ана шунда қабила бошли-ғи оқсоқоллар билан масла-хатлашиб, бир хулосага кели-шибди: «Дарё ёмон қутыр-ди. Сув Тангриси биздан бошқа қурбонлик талаб эта-тир...» Бошқа қурбонлик — одам экани ўз-ўзидан тушу-нарли экан.

Улар яна узок кенгашиб, кишлоқ (кишлоқ)нинг четида яшайдиган эркаксиз бир ҳо-надонда тўхташибди. Унда кекса бир она билан ёлғиз ўғли тураркан: она хаста — қуни яқин, бола эса ҳали ёш



— энди ўн саккизга қадам қўйган экан — демак, унинг гуноҳи кам: Сув Тангрисига маъқул тўхфа бўларкан. Ахир, элатнинг фикрича, қандайдир гуноҳлари ошиб кетгани учун Олий Тангрининг қаҳри келиб, Сув Тангрисига қабиляни жазо-лашга амр қилган экан-да.

Шундай қилиб, қабила бош-лиғи оқсоқоллар билан қиш-лоқ четидаги сувдан заррача зиён кўрмаган қўлбага йўл олишибди. Она уларни эҳти-ром билан қабул қилиб, элчи-ниг дардига шерик эканлари, бироқ Сув Тангрисининг қаҳ-рини босишга ожизликларини айтиб, тағларига тўшанчи со-либди.

Оқсоқоллар ўтиришгандан кейин қабила бошлиғи бева билан ўғлини ҳам рўпаралари-га қўқтириб қўйиб, айтибдики: «Эй, она, Сув Тангрисининг ғазаби босилмаётир. Берган қурбонларимизни қабул қил-маётир. Аниқ бўлдики, у биз-дан қилган гуноҳларимиз учун одам сўраётир. Сен покиза аёлсан, ўғлинг беғуноҳдир. Ўғлингни ҳада этмасак, элат ҳароб бўлади. Танла она, ё эл, ё ўғил? Она-бола бир-би-рларига қарашибди. Кейин олис қирлар устида ночор, мунгайиб ўтирган қабиладош-ларига қарашибди.

«Майли», — деди она ни-хоат. — Олий Тангри шу қур-бонликни қўнғилларингга сол-ган экан, мен рози...» «Мен ҳам розиман. Элатим учун...» дебди ўғил ҳам.

Алқисса, элат сувга яқин жойга эниб келибди. Барчаси мук тушиб, ўшбу қурбонликни Сув Тангриси қабул қилишини, шу тариха элатни ҳалок этмас-лигини сўраб ёлборишибди. Кейин болани бўғизлаб, қони-ни сувга оқизибдилар-да, жа-садини ҳам ҳада қилибдилар.

Сунгра дам сувга, дам қўк-ка қараб, тошқиннинг па-сайишини кўтиб ўтиришар-кан, қурбонлик маросимини сабр-тоқат билан кузатган она... Она: «Эй, Тангрилар, мени ҳам бағирларингизга олингиз!» деб қийқирибди-да, югуриб бориб қутирган сувга ўзини отибди. Сув уни ҳам ютиб кетибди.

Воқеа шундан иборат.

Энди жиндак мулоҳаза қиламизми? Ҳа, жойиз-жой-из... Онанинг ўзини сувга отгани — шубҳасиз Тангри-ларга исёнидир. Агар у ўзи-нинг ҳам қурбонлик қилини-шини истаганида, бу ишни қилмас эди: ахир, сув қон талаб экан.

Демак, бундан қури-надики, инсон зоти ўзининг қайси ақлий-ахлоқий поғонада бўл-масин, қандайдир ҳис-латларини, аниқроғи, тўб мохиятини сақлаб қоларкан: она фарзан-ди қатлига чидай ол-мади ва ўзини-да но-бўд қилди.

Она ва фарзанд... Бу иккаласининг бир-лигисиз — дунё йўқ, дунё тугайди.

Булари кашф этил-ган Тангрилар ҳам бир-бирдан ажратол-мас экан...

Ҳа, исломиятдан ав-валги даврни — «жоҳи-лият» деб айтамиз. Бир-ок эсингизда бордир — исломиятнинг илк даврларида ҳам одам-ларни Аллоҳ йўлида (энди ягона Илоҳ йў-лида) қурбон қилиш олати мавжуд эди. Иб-роҳим (с. а. в.) пайғамбарнинг Аллоҳга қўрсатмоқчи бўлган бир садокатлари (ўғил-ларини қурбон қилмоқ-чи бўлганлари) тўғайли ин-сонни қурбон қилиш Ҳақ та-рафидан рад этилди. Ва шу билан бу одат ахли мусл-мон уртасида барҳам тоғ-ди.

Тасаввур этаемиз, Кофир-нихон дарёси бўйида эса ўша одат онанинг пинҳона исени тўғайли барҳам топ-ган экан: ҳа. Ана шундан кейин «дарё қутиргани»-да, Тангрилар қон талаб қил-лаётир деб эмас, балки «Сув тўбидида кофир яширинибди (нихон бўлиб) етибди. У биз-ни қалғитиб қон талаб қи-лаётир», деган ақида пайдо бўлган экан. Албатта, ислом дини гаркала бошлагач, ти-лимизга «кофир» сўзи ҳам қириб келгач, бу ақида пай-до бўлган.

Мана, бир оддий ҳикоя ҳақида шунча гаплашиб ол-дик. Эътироф этиш лозим: маърифий саводимизга жин-дак бўлса-да улш қўшилди. Шунинг учун, келинг, бу тур сўхбатларни давом эттираве-райлик. Йишооллоҳ, давом этади.

Ҳозирча эса, ўшбу ҳикоя билан хушлашиб, ўша-ўша — Тангриларга исён кутарган — ўзини нобуд қилиш ила бунинг намоён қилган мома-қаломимизни яна бир эс-лайлик! Унинг беғуноҳ фар-зандини ҳам... Ва уларнинг ўша даврдаги ақидаларга са-доқатини ҳам... Улар ақлан ва маънан инсон таракки-ятининг қўйи босқичида эди-лар. Бирок шунда ҳам чин инсон бўлиб қола олган эдилар. Биз-чи? Инсон та-қомилининг бугунги юксак поғонасида турганлар нима қилмоғимиз лозим? Демак, мавжуд эътиқодларимизга садокатли бўлмоғимиз ва айни чоғда қалбимизга қу-лоқ тутиб, инсон бўлиб қо-лмоғимиз лозим экан...

Давоми бор

Диққат:

«Кўнларнинг бирида» конкурс

ЎША ВОҚЕАНИ БИР СЎЗЛАБ БЕРИНГ!

Азиз юртдошлар!

Сизларга бир тақлиф билан мурожаат этмоқчимиз. Яъни, Сизни ижода тортимоқчимиз. Биласизми, ҳалқимизда «Қўза қунда эмас, қунда синида», деган нақл бор. Эсланг, кўнлардан бир кун ҳаётингизда шундай бир воқеа юз бер-гандики, шу воқеа тўғайли ҳаётингиз остин-устун бўлган-ди — шу воқеа тўғайли сиз бахту омадга эришгандингиз ва ё бахту омад сиздан юз ўтирганди... Ўша воқеа қандай тарзда, ниманинг оқибатида, қилларнинг айби ва ё ёрда-ми тўғайли содир бўлганди? Ана шу ҳаётингиздаги уну-тилмас бир кун ҳақидаги ҳикояни бизга ёзиб юборинг. Ҳўш, ундан кейин-чи, деб сўрасиз. Ундан кейин биз улар-нинг энг сараларини, диққат талабларини таллаб олиб, га-зетамизда чоп этамиз.

Биласизми, Сизнинг ўша бир кундан олган ибрат-хуло-сангиз қанчадан-қанча одамларга асқотиши, қанчадан-қан-ча одамларни бахтиёр қилиши ва қанчадан-қанча одамлар-ни бахтсизликдан қайтариб қолиши мумкин. «Бунинг эва-зига мени қандай муқофот қутати?» дейсизми? Конкурс го-либлари — яъни кечмиш-қидирмишлари газетдада чоп этил-ганлари энг зўр муқофот қутати. Голлиблар «Оила ва жа-мият»га беғул обуна қилинадилар. Конкурс декабрнинг бо-шигача давом этади.

Шошилинг, ўйланг, эсланг, бизга ёзиб юборинг. Азиз-лар, кўнларнинг бирида бошингиздан не воқеа ўтганди?

Демак, конкурсимиз бошланди — гапнинг бу ёғи энди узингизга боғлиқ.

Конкурс голлиблари эса қуйидагича тақдирланади:

- 1-ўрин учун — «Оила ва жамият» газетасига бир йиллик обуна;
- 2-ўрин учун — «Оила ва жамият» газетасига ярим йиллик обуна;
- 3-ўрин учун — «Оила ва жамият» газетасига уч ой-лик обуна.

Тахририят

Турмуш сабоқлари

Атрофингизга назар ташласангиз, ҳар хил одамларни — ҳар хил тақдир эгаларини кўрасиз. Бири ўзини бахтли санайди, яна бири ўзининг бахтсизлигидан, шурпешоналигидан нолийди, яна кимдир бахт ва бахтсизлик орасида — аросатда. Кимнинг қай даражада умр ўтказиши эса биринчи навбатда узига боғлиқ, дея хулоса чиқаришимга кузатишларим сабаб.

Оилавий ётоқхонада яшаётганлигим туфайли, ҳар хил тақдир эгалари билан кўшиман, танишман. Бир кун нима бўлдию ён кўшим — ҳеч қачон дардини айтмаган икки фарзанднинг онаси бу ёнимда турадиган кўшимнинг эри билан келаётганини кўрди-да оғир хурсинди, кейин:

— Мана шу эр-хотинларга ҳавасим келади, — деди.

— Нимага, сизнинг ҳам ҳаётингиз буларникидан қолишмайди, уларнинг фарзанди битта бўлса, сизларники иккита, — дедим мен.

— Шундай дейсизу... — У анчагача сукут сақлади. — Шундай дейсиз-у менинг эрим билан унинг эрининг фарқи катта. Ҳеч кузатганимиз, дадаси, яъни болаларимнинг дадаси 3-4 кунда бир келади. Уники эса доимо ишдан чиқади-ю, уйига шошиб келади. Яширишининг нима кераги бор, эримнинг яна бир хотини борлигини яқинда билдим. Бу кўшимнинг эрини шундай маҳкам ушлагани, менга ўхшаб боласини боғчага ҳалослаб олиб юргурганини, оғир ҳалта кўтариб бозор учар қилганини ҳеч қўрмадим. Унинг устига эр-хотин ҳеч ажралмай доим бирга юради. Биз эса... бирга юрмай қўйганимизга анча бўлган, — деди у афсус-надомат аралаш, кейин яна давом этди. — Пешонангча нима ёзилганини олдиндан билмас экансан-да. Бўлмаса, ўша аёлдан менинг қаерим кам...

Зеро, юпанч бахт беролмас-да, мен у кўшимни юпатган бўлдим. Ёнгинамда шундай, бахтсизликдан сарғайган тақдир эгаси яшар экан-у билмас эканман. Билганимдаям қўлимдан нима келарди.

Бу ён кўшимга эса, гапнинг очиги, менинг ҳам ҳавасим келарди. Чунки

уларнинг доимо ўғилчасини етаклаб бирга юрганини кўп кўрдим, ваҳоланки, уй-рузгор юмушидан ортиб қўликлашиб юрадиган эр-хотинлар кам эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Доимо оилавий муносабат муносабат мени уйлантириб келаётгани ёки касбим тақозоси туфайли икки оилани кузатишга «қаттиқ бел боғладим», қолаверса икки хил тақдир эгаси — иккала аёл билан яхшигина тил топиша олардим.

Бахтли тақдир эгаси (уни шартли равишда шундай дея қолай) ҳар кун эрталаб, деярли бошқалардан барвақт туришини, кейин ўғилчасини кўтариб чиқиб, ювинтириб, кийинтириб, чойини ичириб, дадасининг уйқудан туришини пойлаб утиришини кузатишларим давомида библи олдим. Яна шуниси қизиқки ён боланинг йиғлаганини, хархаша қилганини ёки онасининг унга баланд товушда гапирганини ҳеч эшитмадим. Чунки мен кўпинча бу ён кўшимнинг ўғилчасига бақирганидан, боланинг йиғисидан, хархашасидан уйғониб кетишга одатланиб қолганим учунми, шу икки хил қарама-қарши ҳолат баъзи бир нарсаларни англаб олишимга туртки бўлди. Мен кузатишларимни эътиборни қўпам жалб қилавермайдиган майда-чуйда нарсалардан бошладим.

Чунки айнан ана ўша биз қўпам эътибор бермайдиган майда-чуйда нарсалар катта ҳодисаларнинг келиб чиқишига пойдевор бўлади. Бахтли тақдир эгаси доим эшикдан киришдан олдин оstonага тушалган латтани, ечилган оёқ кийимларини, гарчи тартибли турган бўлса-да ҳар кирганида бир бор текислаб қуярди, бу ён кўшимнинг оstonасида эса доимо бир хил манзара — оёқ кийимлар ту-

шалган латтага аралаш-қуралаш ётар, уйдан ким кириб чиқса, уларни босиб-янчиб ўтиб кетаверади. Ана шунда доим раҳматли энамнинг «уй эгасининг саранжом-саристи эканлигини оstonасидан билса бўлади, оstonа супурилмаган, оёқ кийимлар тартибсиз, сочилган бўлса, билки, бу хонадондаги уйнинг ичи бундан баттар бўлади», деган гапларини хаёлимдан ўтказардим.

Бу ён кўшим — бахтли тақдир эгаси эри билан ўғлини зинадан тушириб боғчага кузатиб қўяётганини,

силкиб хайрлашиб ажралишарди.

Мен ана шундай тарзда кузатишларимни давом эттирар эканман, икки оиладаги бахтлилик ва бахтсизлик сирлари тобора аниқ равшан бўла бошлади. Бир кун бу ён кўшим яна ҳасрат қилиб қолди:

— Ишонасизми, пулимиз озроқ қолган эди. Ҳали қўйлакнинг пулини беришим керак. Дадамизнинг аҳволи бу бўлса. Уйга бирон нарса кўтариб келмайди. Қўйлакни унга айтмай қарзга олувдим, кеча жаҳли чиқиб: «Ўзи бунақа аҳволдаимиз нима қилардинг қарзга олиб», дейди худди менга бирон нарса олиб берадигандай.

Мен нима дидир дейишим кераклигини англаб турганим ҳолда ҳеч нарсаси деёлмадим.

Бир кун бахтли тақдир эгаси билан гаплашиб имконига эга бўлдим. Уйига кирган, очиги ҳамма нарсанинг

қарзга олиб, дейди худди менга бирон нарса олиб берадигандай. Мен нима дидир дейишим кераклигини англаб турганим ҳолда ҳеч нарсаси деёлмадим. Бир кун бахтли тақдир эгаси билан гаплашиб имконига эга бўлдим. Уйига кирган, очиги ҳамма нарсанинг

қарзга олиб, дейди худди менга бирон нарса олиб берадигандай. Мен нима дидир дейишим кераклигини англаб турганим ҳолда ҳеч нарсаси деёлмадим. Бир кун бахтли тақдир эгаси билан гаплашиб имконига эга бўлдим. Уйига кирган, очиги ҳамма нарсанинг

қарзга олиб, дейди худди менга бирон нарса олиб берадигандай. Мен нима дидир дейишим кераклигини англаб турганим ҳолда ҳеч нарсаси деёлмадим. Бир кун бахтли тақдир эгаси билан гаплашиб имконига эга бўлдим. Уйига кирган, очиги ҳамма нарсанинг

қарзга олиб, дейди худди менга бирон нарса олиб берадигандай. Мен нима дидир дейишим кераклигини англаб турганим ҳолда ҳеч нарсаси деёлмадим. Бир кун бахтли тақдир эгаси билан гаплашиб имконига эга бўлдим. Уйига кирган, очиги ҳамма нарсанинг

қарзга олиб, дейди худди менга бирон нарса олиб берадигандай. Мен нима дидир дейишим кераклигини англаб турганим ҳолда ҳеч нарсаси деёлмадим. Бир кун бахтли тақдир эгаси билан гаплашиб имконига эга бўлдим. Уйига кирган, очиги ҳамма нарсанинг

қарзга олиб, дейди худди менга бирон нарса олиб берадигандай. Мен нима дидир дейишим кераклигини англаб турганим ҳолда ҳеч нарсаси деёлмадим. Бир кун бахтли тақдир эгаси билан гаплашиб имконига эга бўлдим. Уйига кирган, очиги ҳамма нарсанинг

қарзга олиб, дейди худди менга бирон нарса олиб берадигандай. Мен нима дидир дейишим кераклигини англаб турганим ҳолда ҳеч нарсаси деёлмадим. Бир кун бахтли тақдир эгаси билан гаплашиб имконига эга бўлдим. Уйига кирган, очиги ҳамма нарсанинг

қарзга олиб, дейди худди менга бирон нарса олиб берадигандай. Мен нима дидир дейишим кераклигини англаб турганим ҳолда ҳеч нарсаси деёлмадим. Бир кун бахтли тақдир эгаси билан гаплашиб имконига эга бўлдим. Уйига кирган, очиги ҳамма нарсанинг

қарзга олиб, дейди худди менга бирон нарса олиб берадигандай. Мен нима дидир дейишим кераклигини англаб турганим ҳолда ҳеч нарсаси деёлмадим. Бир кун бахтли тақдир эгаси билан гаплашиб имконига эга бўлдим. Уйига кирган, очиги ҳамма нарсанинг



БАХТЛИ БЎЛИШ ЙЎЛИ

ўғлининг икки юзидан ўпиб қўйганини, кейин турмуш ўртоғи охири зинадан тушар чоғи орқасига қараб ўғлига «аяжонга хайр қилиб қўй» дегани, улар то кўздан ғойиб бўлгунча орқасидан меҳр билан қараб қолганининг бир неча бор гувоҳи бўларканман: «Бу аёл бунча меҳр-муҳаббатни қайдан олган экан?» деб уйлардим. Кейин у қайтиб келарди-да доим бир хил машғулотишни бошларди: деразаларни очарди ва уйни ҳафсала билан тозалаш чикарди, ҳар кун оstonада қоғоз тушганча ҳафсала билан турмуш ўртоғининг жойафзаллини ялтилатиб артиб қуярди.

Шу ишларини қилиб бўлганча бесабрлик билан балконга бир неча бор чиқиб эрини кутарди. Чунки у аёл ҳеч қачон эридан олдин ишга кетмасди. Доимо уйдан бирга чиқиб, атиги 100 қadam юрмаёқ иккови икки томонга бир-бирига енгил қўл

жой-жойида тартиб билан турганини қўриб ҳавасим келиб кетди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик, кейин гап пулга бориб тақалганда:

— Кенноий, ҳозирги шароитда қуруқ ойлик билан қандай кун қурасизлар?

— Ҳеч пулимиз тугаб, қийналиб қолганимиз йўқ, шу пайтгача доим уйимизда пул ошиғи билан туради. Ҳўжайиним қарз олишни ёмон қўради.

— Ёнингизда 2-3 минг пул турганда қўзингизга яхшироқ қўринган нарсани олгингиз келмайдими, ё эрингиз уришадими? — дедим гапни айлантириб.

— Дадаси ҳеч қачон қанча пул сарф қилишимга қизиқмайди. Лекин пулни ишлатиб қўйсам сал ранжиганини нигоҳларидан сезиб қоламан. Шунинг учун у кишининг қўнғилига қараб суроқсиз бир иш қилмайман. Мен яхши қўринган қўйлакни қияверсаму, бу ёқда қарзга ботиб дилимиз

хира бўлиб юрса, бунинг нимаси яхши.

— Доим эрингиз бозор учар қилганини қўраман. Нима, ўзингиз бундай юмушларга қизиқмайсизми?

— Бозор қилиш эркакларнинг иши. Қолаверса, мен оғир сумка кўтариб юрсам эримнинг олдида худди қадрсиз одамга ўхшаб қоламан.

Шу топ ўғилчаси ботинкасини кўтариб келди. Ойиси ўғлининг қўлидан ушлаб узига қаратди-да жуда секинлик билан:

— Ўғлим, буни боғчага қиясан, йиртилиб қолса, кейин нима қиясан, анува кичкинасини олиб кел, қўчага ўшани қиярдинг-ку, — деди. Болақайнинг эса янги ботинкачани қийғиси келиб индамай тураверди.

Мен уйлагандек, қўшни жаҳл устида қўлоқсиз ўғлини уришмади ёки ботинкаларни қўлидан қўлиб олмади. Аксинча, у худди катта одам билан гаплашаётгандек:

— Ўғлим, менга қара, бу «попоқчанг» кир бўлиб қолса, ўртоқларинг қўлади. Ҳаммасининг ботинкаси яхши бўлиб турсаю, сеники кир, йиртиқ бўлиб турса, шу яхшимми, — деди ўта хотиржамлик билан.

Шунда болақай ботинкаларни отиб юбормади. Бурчакча, пойафзаллар турган жойга жуфтлаштириб қўйди. Бир пойининг учигаси полга тушалган шолчага тегиб қолганди, орқасига қайтиб бориб пастга суриб қўйди. Эскирок, униқиб қолган туфличасини онасига келтириб берди. Икки яшар болақайнинг мана шундай майда-чуйда нарсаларга эътибор беришига унинг ойиси сабабчи эмасмикин, деб уйладим.

Энди бу икки оилани кузатишимга ҳоҳат қолмаганди. «Эркак киши уйдан топмаганини кучадан излайди», деган гапни хаёлимдан ўтказарканман, беихтиёр бахтли тақдир эгаси оғир сумка кўтариб эри олдида ўзини қадрсизлантирмагандек, унинг пойафзаллини тозалашни оғир сумка кўтаришдан афзал деб билган, ўзиниям хор қилмай ўзгаларнинг ҳурматини жойига қўйиб — эрининг қўнғилидагини нигоҳларидан пайқай олган аёл бахтга — бахт деб аталмиш буюк инъомга лойиқ эмасми ахир, деган хулосага келдим.

Барно СУЛТОНОВА

Фикр

ЭРКАКЛИК ШАЪНИМИЗ ҚАНДАЙ

Халқимизда «Биринчи мингга» деган ибора бор. Телевидение орқали, матбуот саҳифаларида биз эркаклар шаънига аччиқ сўзлар айтилишининг гувоҳи бўляемиз. Баъзи йигитларнинг ўз муҳаббатига хиёнат қилиши, ота-онасига қарамай қўйгани, мурғак гудакларни меҳрга зор қилиб ташлаб кетиши, безориликлари, дилдорликлари билан тинч-фаровон ҳаётимизга раҳна солаётганликларини эшитаемиз. Бевоси-

та гувоҳи бўламиз-у, бундай нохуш манзаралар эркаклик-шаънимизга оғир ботади. Халқимизга, миллатимизга доғ туширадиган бу ҳолатлардан қутулишнинг чораси борми? Ва шу ўринда қачондан буён фикру уйимни банд этган бир таклифни қўпчилик қўнғилига ҳавола этсам дейман. Биз эркакларга хос махсус жамият, уюшма ёки ташкилот тузилса бўлмасмикан?

Жамиятимизда Хотин-қизлар масаласига эътибор, эъзоз жойида,

рисоладагидеги, эркаклар, йигитлар учун эса ҳеч қандай шароит, имконият яратилмаган. Нега «Эркаклар давраси», «Эркак ва йигитлар» уюшмаси, эркаклар журнали ва ҳоказолар тузиш, ташкил этиш мумкин эмас?.. Миллат оталарининг маънавияти, орияти ва қадрини тиклашга ҳозир киришмасак, бу ҳақда қачон уйлаймиз?..

Келинг, «Тирноқ остидан кир қидирмай» фикр, мушоҳада билан, «Қилин қирқ ёриб» эркаклик шаънимизни тиклаш чораларини излайлик.

Мен азиз муштарийларимизнинг эркаклик шаънимизга хос, қимматли мулоҳазаларини қўтиб қоламан.

Мухтор БЕК.

Топишмоқ сурат: Эркаклар фақат «ошхўрликда» машхурми?



Мовий туфлича ва ... биз

Хаселимга бирдан: «Уч кушлик дам олишдан фойдаланиб, онамни кургани борсам!» — деган ният келди-ю, қизимни аниқ-тапиқ кийинтириб темир йул бекатига ошиқдим. Бушдан уч ой аввал борганимда, поезд соат кечки ундан утганда жунаганли.

Йул-йулакай автобуста қизим ушлаб қолди. Бекатга етгач, уни судрагандай пастга олиб тушдим. Рўпарадаги электрон соат 21.06 рақамини курсатиб турарди. Бино ичкарасига кириб жалвални қарасам, «Тошкент-Анлижон» поездининг жунаш вақти 21.13 деб езиб қуйилибди.

Онамни куриш ниятида йулга чиқдимми, орқага қайтишни сира хохламайман. Писда булсада, поездга осилиб булсада, Марғилога кетишга тайёрман. Бир қўлимда сумка, қизимни тортиқлаб «Олтин водий» поездининг олдига келдим.

— Йулочилар, вагонга чиқинлар, ҳозир жунаимиз, — деб йул кузатувчилари одамларни пошпардилар.

Улардан бирининг олдига бориб:

— Илтимос, бизни олиб кетинг, онамни куриб келайлик, — дедим ялғини.

— Жой йўқ. Эртароқ билет қилиб қўйсангиз бўлмасмиди? — деган жавоб бўлди.

Нариги вагонга бордим. Ёшгина йул кузатувчи салом бериб, яна ялғиним:

— Укажон, беҳосдан борадиган бўлиб қолдик, туқсонга яқинлашган онам борлар...

Жой йўқ, опа.

— Йул-йулакай утириб кетаверамиз...

— Ий, нима деяпсиз? Бола билан осонми? Бизгаям гап тетади-ку!

— Бирорта вагондан жой топилмасмикан? — деб яна умидвор сурадим.

— Билмадим, наригилардан сурагачи!

— Кейинги вагон эшиги сизга югурдим.

— Мени олиб кетинглр.

— Иложи йўқ. Бола билан қийналасиз. — Яна шу жавоб. Шу пайт поезд аста-секин жойидан жўлди. «Эртага эртада худо хоҳласа, онамни кураман», — деган қувонч алла қачон дилимга жойлашиб олган.



Экан, уни бирдан суғуриб ташлаш осонмас. Жон ҳақим билан бир қўллаб тутиқча етишдим. Қизимнинг белидан кутардим-да, вагонга интилдим.

Шу пайт қизчам чириллаб йилғай бошлади. «Курқиб кетди» — деб уйладим. Тепала бу

воқсаларни кузатиб турган йулоччи қизимни қўлимда олди, узим ҳам чиқиб олдим. Қизим эса ҳамон бақириб йилғиларди.

— Йилғам, асалим, курқма, — дедим уни бағримга босиб, қизчам оёқчасига қараб, «Туғлим, туғлим!» — дерди. Қарасам бир пой туғчаси йўқ, десмак, вагонга чиқастганимиз да тушиб қолган.

Майли, эртага бошқа туфлича оламиз, — дедим. Ҳозир шиппагининг кийдириб қўяман. Қизчамнинг тинчланиши қийин бўлди. Чунки кечати н а ҳайитга атаб олиб берганимиз мовий рангли туфличанинг ялтироқ тасмаларию, мовий рангли кўчаларини шунчалар яхши куриб қолганлики!

Онам, жондош-қондошларим билан икки кушлик дийдорлашувнинг қувончлари, туйтулари таърифи бир олам

«Бир пой туфли кимга ке-

рақ? Бир жойга қуйиб қўйишгандир» — деган ҳаслда Тошкентга қайтгач, яна темир йул бекатига бордим. Уша кунги навбатчини топдим.

— Ҳаворанг янги туфли чами? — деди навбатчи. Мен уни олиб панжаранинг тепасига, ҳаммага куринадиган қилиб бойлаб қўйгандим.

Туфличани топиб олгандек суқониб кетдим. Навбатчига эргашдим, пазаримда, қизимни бутун роса хурсанд қиладигандек, узимда йўқ хурсанд эдим.

Олдимда пошиб бораётган навбатчи бирдан тухтади:

— Йўқ-ку, — деди бирдан бушаниб. — Анави ерга боғлаб қўйгандим.

Мен у оламни обора қилганим учун уэр сураб орқага қайтдим. Қизик, бир пой туфличани нимага қилиш мумкин? Бир одам кимгадир яхшилик қилиш ниятида уни панжарага боғлаб қўйибди-ю, яна бошқа одам ечиб олиб...

Балким бу болаларнинг қилғилигидир... Унда болаларимизга ҳам узаларга зийн етказишдан кура наф келтириш савоб эканлигини чуқурроқ англавасайлик...

Муҳтарам УЛУҒ

Ҳаёт чорраҳаларида

Баъзида шундай бўлади — одам уз кўнглида йиғилиб, туғиб-тошиб қолган ҳамма гапини кимгадир — бегона-ми, дўстми ким бўлмасин ишқилиб, тинглаб маъқула-са бўлди, айтиб-айтиб енгил тортишни истаб қолади. Назаримда уша кунги шундай ҳолат юз берди. Аввал қўнғироқ қилиб редакциямиз манзилни сурадингиз, келишимизни айтдингиз.

Кириб келдингиз... Қорача чеҳрали, баланд қомадли қиз экансиз. Ёшнингизни дафъатан бир қарашда англаш қийин 20 дан 25 гача бўлган ёшни берса бўларедилар.

Шундай қилиб сиз ҳамма гапингизни туқиб солдингиз. Мен эса тингладим. Сунг мен ҳам қиссадан ҳисса деганларидек, сизга ўз фикрларимни баён етдим. Менинг сузларимни — маслаҳатимни қабул қилдингизми йўқми билмадим — бу албатта сизнинг ихтиёрийгиз. Лекин сиз ҳам мени тоқат билан тингилдингиз.

Сиз кетдингиз... Лекин сизнинг ҳаётингиз, муаммоларингиз менинг фикру ҳаселимни буткул банд етди... Менда ҳам худди сиз бизни ишлаб келгандақа ҳолат юз берди — суҳбатимиз оқибатида кўнглимда пайдо бўлган таассуротларимни кимгадир — бирорта айтмасам бўлмайдиган даражага тушиб қолдим... Ва сизнинг дил ҳасратларингизни, икдорларингизни газетхоналар эътиборига ҳавола қилгим келди...

— Мен обрўли, эътиборли, баъдават оилада туғилиб усганман. Отам онамнинг шаънини ҳамма нарсадан юқори қўярдим. Уларнинг чизган чизилган четга чиқмаслиги мен учун мажбурят эмас, табиий бир эҳтиж эди. Шу сабабданми уғил болалар, йигитлар мен учун мисоли бир дуст-уртоқларим эди, бушдан утгача бўлиши мумкинлиги ҳатто ҳаселимга ҳам келмасди... Менинг келажакдаги тақдирим отамнинг бир имоси ва ё рози-ризолиги билан амалга

ошадил ва мен албатта бахтли бўламан, деб уйлардим. Мактабни, институтни аъдо баҳо-ларга ўқиб битирдим. Узим — куттанимдек отамнинг қўшни туманида янғончи қадрдон дустларидан бири ўғлига мени сураб совчи бўлиб келди. Йигит ёши мендан каттароқ бўлиб, институтни битирган,

хтсизлигини, ўзининг бардам туғиб, дегандек бўлди... «Фалон чини (уша йигит номини атади) яхши танийсизми?», — дея суради у. «Танийман, сизга нима?» — дедим, ўзимни лоқайд тутиб. «Йўқ, фақимчта уни яхши билмайсиз, тагин уни ўзингиздан қўра яхшироқ танийдиган аёл борлигидан беҳабарсиз. Фалончи билан биз бир-биримизни ёқтириб қолганмиз. Бирга яшайлик ҳам. Мен биринчи турмушимдан ажрашганман. Биламан, у сизга уйланиши керак. Ёлпга қарши эмасман. Шундай қилишга ҳаққим ҳам йўқ. Лекин гап шундаки, орамизда пайдо бўл-

келди, кўп эланди, «Дупелдан уйланмай утиб кетаман» — деб қасам ҳам ичди. «Мен сизга етмайман, — дедим. — Ҳали турмуш қурмай гуриб хиёнатга рўпара келдим-ку, бугунга нима ҳам қўярдим», — дедим. Мана ушандан бун ҳам 6-7 йиллар утиб кетибди. Уз шаҳримда ортиқ яшай олмадим. Катта шаҳарда, қўнчилиқ орасида яраларимдан фориғ бўлишим осон кучади, деб пойтахтга кўчиб келдим. Отам — менга уй сотиб олиб берди. Ёлғиз эмасман бу ерда, отамнинг бир уғилчаси мен билан бирга. Унга «сен менинг уғлимсан», деганман.

ни айтинг мен сизга кимман? Агар ростдан онам бўлсангиз дадамни топиб беринг. Боғчаларга ҳамма болаларнинг дадаси бор. Меники-ниям топиб беринг» — деб юрагимни қоп етди, зардобга айлантирилди. Ёш боланинг кўнгли шунчаликкам поэтик бўларканми, ҳайрон қоламан. У ушандан бунг менга ростлиги айтиш деб ҳархаша қилгани қилган. «Аслида опамга уғилсан, менга эса жиянсан» — дейишга журъatismи етишмайдил. «Кетаман ўз ота-онамнинг олдига» — деб туриб олса нима қиламан. Унга ни ҳоҳятда урғаниб қолганман ахир. Яна тагин елғизликдан қўрқаман. Икки ут орасида қилиб қуйиб-жизганак бўлиб кетаяман...

«У йигит уйландими», — дейсизми? Йўқ ҳалиям уйланмапти деб эшитаман. Хўв ушанда «Менга теғмасангиз бушдан сўнг энди ҳеч кимга уйланимайман», деб қасам ичганди-да... «Уртага ошам қуйиб, турмушнингизни қайтадан тиклаб олнинг, деяпсиз. Ростли гап — йигитларга сиракам иппончим қолмаган. Дупоналарим ҳам менга сизнинг маслаҳатингизни беришадил. Бахтинг учун курашининг керак, дейишадил. Қайдам, сизим ҳам 29 га тулди, ўзимни қариб бўжмайган, ҳеч нарасага ярамайдиган кимсага айланиб қолгандек сезаман. Олдида мени нима кутапти, нима қилишим керак, билмайман... Баъзида ота-онам менга потўтри тарбия берганимкан? Бошқача яшашим, ўзимни бошқача тутишим кераклиги, деб уйлаб қоламан.

Авв сизим! Сизнинг кечмишларингизни кўп минг сонла муштариёларимизнинг эътиборига ҳавола етмокда мушқулми не? Ҳалқимиз дошпманал — қўни қўрган, қўнлан-қўп савдо-саноатлар сирини оғла. Қани қутайликчи, сизнинг тақдирингиз бора-сида улардан не фикр, не маслаҳат чиларкан?..

Дилбар САИДОВА

СИЗ КЕЛИБ КЕТДИНГИЗ-У...

шифохонада ишларкан. Бу тафтихога маъқул келди. Мен эса розилик билдирдим. Бир-икки учрашиб юрган, сузланган бўлидик. Бўйи бўйимга мос эди. Куриб турганингиздек мен қорачадан келганман. У эса ошпоқ йигит, келишган, қуркам қомадли. Тўйгача амалга ошириладиган барча расм-рўсулар утказилди. Ҳатто тўй куни ҳам белгиландил. Лекин... аввал бузим оламдан утдилар. Тўйимиз қолдирилди. У кишининг йили утар-утмай катта амакидан ҳам айрилдик... Устимизга тагин кўк кийдик. Шундай қилиб оралдан икки йилча вақт утди. Яна қайтадан тўй ҳаракати бошландил. Тўйга 4-5 кун қолганга эса... Ишхонамга мени сураб сарғишпоб, озгина бир аёл келди. Биласизми, уни қурган заҳоти юрагимни биров ичюқ билан «пиг» этак-казиб тилиб юборгандек бўлди... Вужудим бирам соғуқ жириладики, асти қўяверасиз. Барибир ҳаёти бизнинг изми-миздан гашқарида — бизни кузатувчи, бало-қазолардан бизни асраб қолувчи қандалидир бир руҳий куч бор. Худдики — бу аёл сенинг ба-

ган ўғлини яхши қўради. Истагани унга тесканингиздан кейин ўғлини тан олсангиз, уларнинг ота-болалигига раҳна солмасангиз бўлди... Бу гапларни эшитастган қўлоқларим тош битди. Оёғим остидаги ер ўпирилиб бораётгандек, бошим устидаги осмонни қон-қора булут эгаллагандек, ҳаво етишмай, нафасим қисилиб келастгандек бўлди... ва портлаб кетдим: «Нега келдингиз? Номатқўлчиликни қилиб қуйиб, энди мендан нима истайсизлар... Менинг нима айбон бор? Кўнглингиз тинч бўлсин. Уша бидкирлоб эркакдан шу лаҳзадаги ўзидек ваз келдим. Энди йўқолинг, ҳеч қачон қўзимга қўриманг...» «Аёл мендан бу қадар саҳийликни, муруватни кутмаган, қўп талаблади, тортишадил, қондаланшди деб уйлаганди ишқили, мушқулсизга осонгина эриганидан қўзлари порлаб, ялтираб кетгандек бўлди.

Ҳастим ўша вақтда, уша жойда тухтаб қолди назаримда... Ул беҳабони мен кечирмадим. Орага қанча одам аралашди, мени илсофга қақирмоқчи бўлишди, насихат қилишди. Игитт орқамдан қўп

Онам ҳам шунга рози бўлган. У билан зерикшини билмаймаман. Юрагим оғриқларига давою дармоним шу бола. Мени «ая» деб урғанди. Зийрак, доно, ширинтой болакай. Сизларга келишимга ҳам шу бола билан боғлиқ бир воқеа сабаб бўлди. Богчасини таъмирлаш учун бир қўнга ечиб қўйишди. Уни илхонага ўзим билан бирга етказлаб олиб келишга мажбур бўлдим. Табиийки илхонада ҳам ма «бу болакай мунчакам асалтой экан, кимингиз бўлади?» — деб суриштириб кеткшди, десангиз... Мен нима дейман. Боланинг ўзига «сен уғлимсан», деганман. У шунга иппонган, қўнқикан. Одамларга эса бу гапни айтмайман. турмуш қурмаганимни яхши биллишадил-ку! «Уғлим» десам эшитган одам борки, ҳаселига не гаплар келмайдил, дейсиз. «Жияним бўлади», — дедим. Мен сездимки кичикитойни киефаси тушланиди. Бу тагин етмади, унга. Ёлғиз қолганидан сўнг бошладил хархашани. «Ёлғончи экансиз, энди сизга иппонмайман. Ахир мени хар доим ўлимсан дегансиз, энди эса жияним деяпсиз... Ростли

Бор бўлинг, азиз одамлар!

Умрни бетухтов оқатган дарега қисс-лайдилар. Унинг бир соҳилида садоқат ва фароғат, сабр ва тоқат инсонларга бахт улашса, иккинчи соҳилда хибнат ва разолат, адоват ва кулфат одамзод бошига қора кунларни солмоққа шай туради.

Умр даресининг уша садоқат соҳилида бир Аёл яшайди. Оддий она, оддий уй соҳибаси, унвон ва мартабалардан йироқ оддий уқитувчи.

26 йиллик иш фаолияти давомида меҳнат дафтарчасига фақат биргина маълумот тушган: Фаргона шаҳри, Қирғули туманидаги 24-мактабнинг узбек тили уқитувчиси...

Янги оила қурган кезлари, юраги хасталаниб, шифохонага тушиб қолди. Шунда турмуш уртоғи уқингандек бўлди. «Мен энди хаста аёл билан яшар эканман-да...» Лекин у касалликка бўйин эгмади, юрак хасталигини ме-

тин иродаси билан енгиб юборди. Негаки, уни ўзлигидан кечишга, ўзининг дардини унутишга мажбур қилган ҳодиса юз берган — турмуш уртоғи қандли диабет хасталиги билан оғриб қолган эди. Мана, йигирма йиллир-



САДОҚАТ МАЛИКАСИ

ки, у эрининг парвариши билан машғул: вақтида укол қилиш, парҳез таом пишириш, болаларга яна алоҳида қозон осиш, уй-рузгор юмушлари, бунинг устига мактаб ташвишлари...

Кейинги саккиз йил ичида эса, тушакка михланган оила соҳибини бир дақиқа бўлмасин, елгиз қолдирмаслик чораларини куради: Малика-хон опа ишда бўлса, ўғли Бахтиержон ота хизматига шай, унинг иш пайти бўлиб қолса, Ни-

луфархон ўқишдан келиб, ота оғзига мазали таомлар тутади. Бу оила ҳаётдан нолиш, бировга арзиҳол қилиш нималигини билмайди. Бунга балки аёл бўлиб ўз кўнгил истаклари учун вақт ажратмаган,

аёллар сало-ни-ю, кўнгилочар томошалар нелигини билмаган, на тилига, на дилига, «Мен энди хаста эр билан яшайманми?» деган ноҳуш уйни, турфа «гап»лару, «утиришлар»ни кўнглига келтирмаган Онанинг юрак кенгликларидати лиммолим меҳр-оқибат сабаб-чидир.

— Малика-хон опа, энг эзгу тилагингиз нима? — сурайман ундан.

— Жаннатда бир тахт бор эмиш, у тахт энг яхши қайноналарга ажратилган эмиш. Агар уша тахтнинг бир чеккасидан жой тегиб қолса, мен беармон утаман.

**Маҳфуза УСМОНОВА,
Шоира НАСРИДДИНОВА**

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

КўНГИЛ КўНГИЛДАН СУВ ИЧАР...

Инсон кўнгли шундай эканки, ҳамиша ўзига бир ҳамроҳ, ҳамдард, ҳамроҳ кўнглини изларкан. Яна кўнгли ўзга кўнгли қувончидан сармаст бўлмоқчи, ўзга кўнглига бахт бахш этишни истар экан... Ахир, «кўнгли кўнглидан сув ичар», — деган нақл кеча ва ёки бугун пайдо бўлиб қолмаган. Бу нақл замирида чуқур маъно-мазмун яширин. Кўнглининг кўнглига муштолқлиги, одамнинг одамга зору интизор эканлиги ва кўнглининг кўнглидан юксалиши... Инсонийликнинг энг олий ардоқли одати, саодати бу...

Бунга редакциямизга ўзоқ-яқиндан оқиб келадиган мактублар ҳам ҳар кўнгли бизга эслатиб туради. Одатда бу тахлит мактублар ва ё илтимосномалар газетамиз ҳисоб рақамига пул ўтказилганлиги ҳақидаги қвитанция билан бирга юборилганидан ёки бевосита олиб келинганидан сўнг «Табриклаймиз» ҳамда «Оила» деган сарлавҳа остида чоп этилади. Лекин бу гал бу қоидадан бир оз чекиндик. Муштарийларимиз гарчанд куйидаги талабномаларни одатдаги қоидаларга риоя этмай, яъни қвитанциясиз бизга юборишган бўлса-да, чоп этишга қарор қилдик. Ҳар не бўлганда ҳам кўнгли синмасин, бир-биримиздан кўнгли қолмасин дедик.




Ҳурматли Нарғизахон!

Сизни таваллуд топган кўнглингиз билан табриклаймиз! Ўзоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.

Ҳурмат билан адангиз Асқар, ойингиз Лобар, онангиз Нилуфар, сингилнинг Нигора, укаларингиз Акмалжон ва Абдоржон.

Азиз Эшторхон опа!

Сизни таваллуд айёминингиз билан чин кўнглидан табриклайман. Доимо бахту-саодат ардоғида бўлинг деб **Жиянингиз Темурбек.**



Ҳурматли Тоҳир амаки ва Роҳила янга!

Сизларни таваллуд қиларингиз ва турмуш қурганингизнинг 20 йиллиги билан табриклаймиз. Доимо фарзандларингиз камолини қуриб яшанглар!

Сингилларингиз Гулнафасхон, Гулнорхон, Қарши шаҳри.

Ҳурматли ҳамкасбимиз Омонтурди Муртазоев!

Туғилган кўнглингизга 50 йил тўлиши муносабати билан табриклаймиз! Биз сизни ўз касбига меҳр қўйган, ўз соҳасида катта ютуқларга эришган табобат ходими сифатида билан ва ҳурмат қиламиз.

Умрингиз ўзоқ бўлсин, ютуқларингиз янада кўпайсин, азиз ҳамкасбимиз **Бир гуруҳ садоқатли дўстларингиз.**

Отажонимиз Турсун МУҲАММАД!

Умрингиз бундан ҳам зиёда бўлиб, истикбол қосангиз шарбатга тўлсин, қалб қўзингиз асло нам бўлмасин.

Дунё надир, жуфтликдир дунё, Қадри баланд ҳурликдир дунё, Ё «талант»и нуриликдир дунё. Бошингизда қуёш порласин, Эришмаган армон қолмасин, Иқбол бўзлаб фарёд солмасин. Кўнгли ерқин, ёш бўлаверинг, Ота бизга, бош бўлаверинг.

ҳурмат ва эҳтиром ила ўғилларингиз: Беруний, Жондил. Қизларингиз Гулвафо, Нарғизабону, Камолахон.

«ОИЛА — 511»

Ёшим 40да. Кутубхоначи бўлиб ишлайман. Иккита ўғлим бор. Бири-биридан ширин. Каттаси 4 ёшда, кичиги — 2 ёшда. Уй-жойли, қулида, хунари бор, болаларни яхши курайдиган кишини бахтли қилиш энг олий тилагимдир.

«ОИЛА-512»

Тошкент туманида кенжа келиним ва ўғлим билан яшайман. Пиру-бадавлатман. Ёшим 70да. Кексаликнинг осойишта дамлариди ҳамдард бўлгучи бир муштираб аёлни излайман. Ҳаётда барча ниятларимга эришганман. Аммо... кексаликдаги ёлғизлик ҳеч кимнинг бошига тушмасин экан...

Редакциядан: Бизга табрикнома ва оила эълонлари йўлловчи муштарийларимизга яна бир бор эслатмоқчимиз:

«Оила» эълонларининг нархи — 600 сўм. Табрикномалар ва эълонларнинг ҳар бир белгиси учун 2 (икки) сўмдан, суратнинг нархи — 200 сўм, рангли бўлса — 300 сўм.

Ҳисоб рақамимиз: 20210000300117340001, МФО 00400 Тошкент шаҳри. Юнусобод тумани, ПСБнинг Шахристон бўлими.

ИШЛАШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ, МАРҲАМАТ



Сирғали тумани Меҳнат биржаси раҳбари Вазлия Ниёзова билан аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш мавзусида суҳбатлашдик.

— Меҳнат биржасининг вазифалари умимлардан иборат? Уларнинг инсонлар учун афзалликлари қандай?

— Оиладаги ҳар бир инсоннинг бахти ва фаровон яшashi учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш жойларини яратиш, ишсиз

аҳолини қайта ўқитиш ва касбга тайёрлаш, қорхоналардаги бўш иш ўринларини аниқлаб, аҳолини яқиндан таништириш, «Бўш иш ўринлари» ярмаркасини ташкил қилиш, бандлик хизмати бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, маҳаллалар билан ҳамкорликда кам таъминланган болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, чет элдан келиб, Ўзбекистонда меҳнат фаолияти билан шугullanувчи хорижий фу-

қаролар билан иш олиб бориш асосий максадларимиздан ҳисобланади.

— Нафақалар учун маблаг билан юм таъминлайди ва имтиёзли нафақага юмлар чиқиши мумкин?

— Қорхоналарнинг мулкчилигидан қатъий назар, Вазирлар Маҳкамасининг 12-май 1994 йилдаги 250-сонли қарорига асосан Меҳнат вазирлигининг методик қўлланмаси асосида зарарли ва ноқулай шароитда ишлаётган ишчиларнинг иш жойлари шаходатланган лаборатория орқали қафолатланади. Қафолатланган иш жойида иш-

лаётган ишчилар умумий меҳнат фаолиятидан 5 йил олдин нафақага чиқишади.

— Кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш қандай ташкиллаштирилган?

— Ижтимоий ҳимоянинг масъулиятли бўғинларидан бири — вақтинчалик ишла-майдиған, кам таъминланган оилаларга кумак беришдир.

Президентимизнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш» янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ биржамизда яна бир бўлим фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маҳалла саъй-ҳаракати боис, туман ҳокимияти, маҳалла қўмитаси ҳамкорлигида нафақалар қонуний ўз эгаларига етказилапти. Туманимиздаги 16 ёшгача бўлган болалар сони 32548 нафар. Шулардан 5029 та оиладан ариза тушди. Фуқаролар йиғини қарорига асосан 4949 ариза чи нафақа олишга ҳақли деб топилади.

Суҳбатдош: Тухфанисо ОРИТҚБОЙ қизи

Суратда: Меҳнат биржаси раҳбари Вазлия Ниёзова.

34 кг оғдир. Қизик-увчиларға мурожаат ўчун телефон: 116-28-04, 105-28-11.

Табиий йул билан соғлиғингизни тиклашни истайсизми? Телефонлар: 116-28-04, 105-10-11.

«НИМА ЭКСАНГ...»

(«Оила ва жамият» — 18-сон)

«Нима эксанг»ни ўқиб аксадо тариқасида жавоб йўлагандим. Аммо назаримда ҳали айтилмаган сузларим кўнглимда қолиб кетгандек бўлди ва ана иккинчи марта мактуб ёзишга қарор қилдим...

Ўзим Марҳамат электротехника заводида таъминловчи бўлиб ишлайман. Албатта ўқиган мақолаларимни ўртоқларимга ҳам ўқитиб, улар билан ўзимизча фикр юритамиз. Ўзим ҳали оила қурганим йўқ. Эҳтимол мен оила моҳирларига унчаюм тушунмасман.

1998 йил Президентимиз ташаббуси билан Оила йили деб эълон қилинди. Шундай экан ҳар бир жамият аъзоси ўз оиласини муқаддас билимга эришиши лозим. Ахир Ватан оиладан бошланади-ку. Бугун оиласига ҳиёнат қилса, эртага ундан қандай яхши иш кутиш мумкин.

Мақолада берилган С.нинг фикрлари кишини ўйлантириб қўяди. Наҳотки биз шундай аёл билан бир жамиятда яшайотган бўлсак. Айб ўзида бўла туриб, турмуш уртоғи М.ни, бизга исми номаълум бўлган Х.ни қоралаб нима қилай деб маслаҳат сўрабди.

Эҳтимол Х. бошида С.ни синанш учун, фикрини билиш учун, оиласига вафодор аёлми, шунини билиш учун бу йўлга тақлиф қилгандир. Қарасаки, С.ни ўзида ҳам хоҳиш борлигини сезиб уни яна тақлиф этган. Лекин С. бундан тўғри қўлоса чиқармаган, оиласини, фарзандларини ҳам ўйламаган. С.ни Х. биринчи бор тақлиф қилганида турмуш уртоғига айтиб, «Мени Х. шунақанга аёл деб ўйлаётми», деганида эҳтимол турмуш уртоғи бунга қарши бирор чора қўлаган бўларми? Уларнинг оиласи шундигина сақланиб қолган бўлар эди.

Наҳотки С. Х.нинг елгон сузларига учиб турмуш уртоғи, шириндан-шакар тўрт нафар

фарзанди қўзига қуринмаган. Аёл тонг саҳарда ишга кетдим, деб ўз қадрдонларини алдаб, хиёнат кучасига кириб юрса. Ахир С. ёш қизча эмаску, ҳар хил қуруқ ваъдаларга ишонса, тўрт нафар фарзанднинг онаси-ку!

Турмуш уртоғи у билан қонуний никоҳни бекор қилиб тўғри иш қилган деб ўйлайман. Чунки С.ни агар кечирса, яна бир кун келиб шу ҳол такрорланар эдими? Ахир оиласи бор аёл иш тугашини сабр-сизлик билан кутиб, уйига, фарзандлари олдига шўшиладику! Нега шуларни олдинроқ ўйламаган?

Энди уларнинг оиласини тиклаш қийиндир. Чунки оилада эрнинг хотинига бўлган ишонч умуман йўқолган. Кўнгил синди, уни энди ҳеч қандай заргар тузата олмайди. С. фақат турмуш уртоғининг эмас, болаларининг ҳам қўзига оёқ қўяди.

Оила бузилишига ҳозирги кунда кўпроқ аёлларимиз сабабчи бўлиб қолаётми. Чунки бир оғиз ширин суз билан у оиласини мустаҳкамлаши мумкин. Эр ишдан қарчаб келса, «Даласи қарчамай келдингизми?» деб илиқ сузлар билан кутиб олсак эркак кишининг қароқлари чиқиб эртасига тезроқ уйга, оиласига интилади. — деб ўйлайман. Ҳага келсак, қорхона маъмурияти унга ҳам бирор чора қўриб қўйиши керак. Чунки яна бу ҳол такрорланмаслиги лозим.

Бу воқеада фақат болаларга ачинаман. Улар она меҳрига зор бўлиши мумкин. Лекин мен Олдохдан М.нинг кейинги турмуш уртоғига сабру-тоқат, болаларга меҳрини аямаслигини, ҳеч қачон оиласига ҳиёнат қилмаслигини тилайман. Сизларга ҳурмат билан

С. ИСМОИЛОВА

«ЎЗИМДАН АЙБ ЎТДИМИ?»

(«Оила ва жамият» — 19-сон)

Эҳ!.. Биз аёллар нималарга қолар эмасми-а! Оиламиз, фарзандларимиз бахти, умр йўлдошимиз учун ўлимизни утга-қўққа урамиз. Баъзан шу елиб-югуришимизнинг роҳатини қўриш насиб этади, баъзан эса...

Хосият опага ачиндим. Оила юмушлари билан елгиз ўзи, гуе бошда эри йўқдек, шунча меҳнат қилиди-я... Эри бўлса... Наҳотки одам ҳам шунчалар бағритош, бекор бўларкан, дея ҳайратландим. Уларни оқ ювиб, оқ тарван аслини, жамнати аслини шундай ҳурласа? Эҳтимол кўп келиб, эри унинг ердимиға муҳтож бўлиб қолар, кун келиб хотинининг оёғига бош қўяр... Ахир қайтада бўшмади воқеаларни қўлаб учиртганимиз-ку!

Ҳар ҳолда мен ана шундай Хосият опага ухшаган аёлларнинг ишончини тоғтағувчи барча эркакларга инсоф тилайман.

СУРМАХОН

Хатлар

«Турмушининг биринчи кунлариданоқ қайнона-қайнотани ва қайини, қайинсингилларини ўз укаларинг ўрнида қўригин. Борган жойингда, ҳаттоки мушугини «сиз»лаб таширишга ўрган».

Бувимнинг сузлари менга жуда қўлғили туюлганди.

— Қўлма, болам, сен уша оиланинг тунгич келини бўласан. Қолган келинлар сендан ибрат олади. — Ҳақиқатдан ҳам бувим

Агарда қайнонам менга далда бўлмаганда «сен ҳам мени ёмон, дединг», деб кетиб қолган бўлардим. Энди ортга разм солсам, бувим жуда донишманд аёл экан.

Ҳозирда биз қайнонамдан анча олмасда яшаймиз. Яқинда қишлоққа борсам, «болам, сизларсиз азиз нарсамни йўқотиб қўйгандек бўлиб қолдим», дейдилар. Бир неча кундан сўнг шаҳарга қайтар эканман, уларнинг қўзлари жовдираб, нигоҳларида мўнг пайдо бўлди. Бир-биримиз билан ҳайр-ҳайш

КАЙНОНА

нинг «Қайнонадан дуо олсанг рузгоринг бут, турмушинг фаровон бўлади. Оиладаги сирни кучага олиб чиқма», деган сузлари қалбимда муҳрланиб қолди. Келинчақлик вақтимдан ибратли оила бекаси бўлишга ҳаракат қилдим. Аммо, ёш эмасман-ми, «аёлга бахт ширин» деганларидек, турмуш уртоғимни узгалардан қизғониб, рашк утида неча бор жанжалнинг сабабчиси бўлдим. Ҳар иккимизнинг ўртамаздаги муносабат кескин ўзгариб кетди. У аксинча уйлана олмаган биринчи муҳаббатига, севгилисига шёру мактублар ёзди, мен эса жиж-ганак бўлиб, кези келганда, болаларимни олиб, отамникига кетаман, дейдиган бўлиб қолдим. Шунда мени қайнаган «шайтон» басмасидан ўзимга ухпаб изтироб чеккан, онам каби меҳрибон аёл — қайнонам бўлди.

огир кечди. Шунда кўз ўнгимда сочлари қирғов босган онажонимнинг кўз ёшлари юрагимни уртаб юборди. Нега онамнинг бундай ҳолатини аввалроқ англамаганман?

Онамининг пешонасига минг бир чизилар, сочларига оқ тоғлар беҳуда ораламайдилар. Улар ҳамиша оила, фарзанд, набира, рузгор таъинишлари билан яшайди. Биз ҳамамиз ҳам аёлмиз. «Қайнона — қайнонада», «келин — келин-да», «келиндан қиз, қайнонадан она чиқарилми?!», деган сузлардан йироқ бўлайлик.

Бугун икки фарзанд олмасаман. Қайнонамдан қайноналик фазилатларини ўзлаштираяман.

Қўш фарзандларим тисмолида ҳаёт бор, Муҳаббат бор...

МОҲИГУЛ СУВОНОВА

«ЎҒИЛАЛАРИМ МЕНИ ТУШУНИШМАЯПТИ...»

Ассалому алайкум муҳтарам «Оила ва жамият» газетаси ижодий ходимлари!

Газетангизнинг чин маънодаги бир муҳлиси сифатида унинг ҳар бир сонини ҳузур қилиб ўқиб бораман. Газетангиз 22 сонилга муаллиф Аҳмад Муҳаммад «Ўғилларим мени тушунтирмапти», — деган сарлавҳа остида яхшигина мақола езибди. Маза қилиб ўқиб чиқдим, мақола қаҳрамони Садриддин отанинг ўғилларига бекор қилибсизлар, дегим келди. Туркман шоири Махтумқули «Дард ёмони қариликдир ёронлар», деб бежиз айтмаган бўлса керак. Отажоннинг ёши бир жойга бориб, умр йўлдошдан ажралиб қолганлиги дард устига чиққондай бўпти. Дунёда елгизликдан ёмон нарса йўқ, айниқса кексайган чоғда. Шундай экан Садриддин отанини қизлари, келинларини қўя турайлик, аммо ўғиллари тушунтириш керак эди. Уларнинг уринсиз машварати, яхши-ёмон гаплари отага оғир ботган. У киши гарчи бекфарзанд аёлга бўлса-да, уйланиб, идлаволардан эҳтиёт бўлиб «ичкуёв» бўлиб тўғри иш қилибди. Ахир тушунтириш керак-да, қарилик азобларини, Садриддин отанинг «Уйтаб қўйинглар, деганимда ҳузур-ҳаловатимни, роҳатимни қўлаб таъинишманман. Ёш етимидан ошпадан кейин бунақа ишлардан қоларкансан одам. Мени елгизлик эмиб ташлади, мўлла Абдуссаттор, елгизлик», — дея ўз тенгдошига қўнғил еригининг қайси жиҳати икки онақизини вай-қоғига ёки келинпошоналарнинг тумтайишига сабаб бўлади. Отажон уйланиб мактуб иш қилибди. Бу мактуб ишнинг «ўғил болалар» тушуниниша нур устига нур. Ҳеч ким бу дунёда абади эмас, вақти келиб ҳаммамиз қатор бўлиб чин дунёга кетамиз. Ҳар биримиз шунини унутмасак бўлгани

Исмаил ЖҲРАЕВ

Ассалому алайкум «Оила ва жамият» рузномасининг жонқуяр ижодкорлари!

Мен рузноманинг «Ўғилларим мени тушунтирмапти» мақоласини ўқидим. Унда Садриддин ота фарзандларини бир оз ранжидилар, деб ўғилда фарзандларга ҳам оғир ҳолати раққийди. Бу мақолаги ўқиб қўзларимга еш қўюлди. Бундан 21 йил аввал мен қўшнинг хонадонига қўш келин бўлиб тушдим. Ҳовлимиз ўртасидан эшик очилган бўлиб, қўшнинг хонадонига қайнотамларнинг укалари Ҳолтой амакилар икки ўғил ва икки қизлари билан тинч-тоғув ҳаёт кечириндилар. Биз амакиларимиз кискача Ҳолтой амаки деб қаҳарлидик. У кишининг аёллари Арофатхон опокилар чакқон, саранжом-сарипта аёл эдилар. Уртада эшик борлиги сабабли амакининг қизлари Мастура ва Гулнора, биз келинларга ўз қўшнингга қўш бўлиб қолганимизди. Қўшмаганда Арофат опоким ишдан тоғлари бўлмасдан қайтиб келдилар. Аҳволда кун сайин оғирлашиб бир ҳафтагина етиб оламиз утилар. Гулғў фарзандлари қарийини билдириб келди, иккинчи фарзандлари қарийини йиғди. Энди Онансининг сўвққ дилдорини ҳам қўриш Равшанга насиб этмади. Йўл олмаслиги сабабли у етиб келолмади. Ҳа, икки ўғил, икки қиз она орқилин юр қакшаб қолди. Шунда Ҳолтой амаким 43-44 ешларда эдилар. Оралан кунлар, ойлар ва ниҳоят йил ҳам ўтди

Қариндош-уруғлар биргалашиб амакига маслаҳат қилишди. «Ўғилларини керак. Болаларининг қам-қўстини, ўрин-қўр-масини тайёрлайдиган аёл керак». Лекин амаким қўнмадилар. «Йўқ ака, аввал Бахтиёр-ни, кейин Равшанни уйлантир-мак, болаларимнинг дилига оғир бермайман, шундоқ ҳам оналари уларнинг дилларини вайрон қилиб кетди, — деб рад жавоби бердилар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Аввал катта ўғилнинг кейин кичикнинг тўйини ўтказиб бердилар. Келинлар ҳам Арофат опокилардек чакқон чиқибди. Қизларини гўрғўшга ўзатиш, бешик олиб, бешиқига қўйиб, ўғил тўйларига қўш ўғил бош-қош бўлиб ўтказиб бердилар. Бундан икки йил олдин амаким 61 ешларда оламдан ўтдилар. Жаҳонга келган ҳар бир киши, раҳматлик жуда яхши инсон эди. Болаларига ҳам ота ҳам она бўлиб ўтди. дейишса, Арофат опоким томондагилар оламнинг олдида қўшнинг қўш бўлиб кетдилар, дея кўз ёш тукишди. Ҳа, тўрт

нафар фарзанднинг орзу-ҳавасларини бекам-қўш қилиб, ҳаммасини уйга-жойга қилиб оламдан кўз қондилар. Ахир, амаким 43 ешларда умр йўлдошларидан айрилган эдилар. Бўйинг устига фарзандлари ёш, таспирин бўлишган. Уйланишлари мумкин эди. Садриддин отанинг келинлари, ўғиллари елгизлатишмас экан, Исиқ-Соғуддан хабар олиб туришаркан, ешлари ҳам анча улуг экан. Набиралари доимо ёнларидан бўлишаркан. Ана шу набиралари бағрида уйнаб-қўлиб, волида муҳтарам-онахонини эслаб бир қазима Қўрьон ўқиб ўтириш отадан дозим эди. Салкам 50 йил бирга яшаб шунча фарзанд орттириб, қариганда фарзандларининг кўз ёшони тукиб, ўзга аёл хонадонига ҳаёт кечираркан отани мен ҳам

тушунмаган бўлардим. Ҳали ҳам бека фарзандларини бағрига қайтиб, оғир-оғир фарзандларини тушунмаганидек, умр йўлдошининг арвоқлари устига сизини тушунмасдан, чиқиблаб юрганиш. Дунёда фарзандлар бағрида, набиралар билан бир пилла чой ичиб, келинларини дилданган ошдан бир дукмагина татиб қўриб, ошдан сўнг, елгизликнинг савоби утталарга тегаркан, деб фотида тортиш аялаларим сиз — Садриддин отадек кексақаринимдан лозим.

МУҚАДДАМ

ВАЖОҲАТИГА ҚАРАБ СИЁСАТ...

(Ҳажвия)

Бутун ҳам ярмарканинг қоқ уртасини эгаллаб олган Асолатхоннинг жағи-жағига тегмайди:

— Кёб қолинг, импортний телпак киймабсиз, бу дунёга келмабсиз. Кургта дейсизми, румол дейсизми, чет элнинг атир-упали? рими, ҳамма ҳаммаси дан топилади. Хой йигитча, қани бу ёққа бир қадам ранжида қилиш-чи. Айпан сизга атаб битта чиройли телпак олиб келганман, мана буни бир кийиб куриш-га, Оббо, қанақа лаванг одам сиз. Пулингиз керак эмас, аввал буни бир бошингизга кундириш. Қолгани бир гап булар.

Асолатхон жаврай-жаврай телпакни йигитнинг бошига кийгизди. Кузгунин унга узатаркан: «Қаранг, сизга зап ярандида, — дея матоҳини мактаб кетди. Узи Англияники, манаман деган одамлар уни бошига подполярнинг тождик кийиб юришди. Куп сурамайман, туртта берсангиз бўлди, ургилай. Бир савога ботай дегманда».

Йигит бир зум анграйиб турди-да: «Учга бераман, нима дейсиз», — дея усмоқчилди.

— Вой, вой, анову кишини қаранглар, ҳозир учтага нима бсрали. Майли, кузга

яқин йигит экансиз, сиз учун уч яримтага бераман, олинг. Йигит чунтагидан пулни олди-да, санаб-санаб сотувчига узатди.

— Оновси, бунингизнинг чуги анча каму, — деди лабларини буриб Асолат. — Ё



гапга тушунмадишми? Мен сизга уч юз эллик эмас, уч минг беш юз сўм дегман. Сиз бераётган ақча бизнинг тилимизда ноль бутун уч дейилади.

— Бу «кус»ку, — деди йигит газабни қузаб.

— Уйлаб гашир, ҳой бола. Бу английский йулбарсники, билдингми? Важдоҳатиға қараб сиеват, деган гап бор. Ҳозирги пайтда куенники ҳам нақ биттага чиқиб кетган. Эртага келсанг олтига ҳам бермайман.

Йигит бир зум кулимсираб турди-да, қулидаги телпакни Асолатнинг олдига иргатаркан:

— «Ёлгончи ер, ёлгонларинг тугар қачон?» деган қушиқни эшитганимиз?

— Ҳали сенга ер булиб қолдикми? Ҳо, мени ким деб уйлаясан узи? — Асолат жон қолатида снларини нимара бошлади.

— Булмаса, узингиз нега «Узбекский кийис»дан ясалган мағоҳингизни «Английский йулбарс»нинг телпаги деб алдайсиз? — буш келмади йигит ҳам.

— Ҳозир сенинг қуинига курсатаман, номарл, — деб шашт билан отилди Асолат.

Йигит шошилмасдан ен чунтагидан «Солиқ инспекцияси»

холоми эканигини тасдиқловчи ҳужжатини курсаттач, Асолат юрагини чангаллаб, узини ерга ташлади. Боягина «жазиллаб» тармашаётган Асолат энди ташша-тайер калсага айланган эди.

— Важдоҳатингиздан танимаганим учун узр, солиқчи ака, — деди, секин узига келгач. — Лекин телпакни сизга совга қилмоқни ният қилганман. Ҳеч булмаса шу ниятими бажаринг, кейин қандай чора курсангиз ҳам майли.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ.

Қилмиш-қидирмиш

БИР БУРДА НОННИ ДЕБ...

Иккинчи жаҳон уруши кетган кунлар эди. Адамшам, май ойининг охирилари эди чамамди.

Туп пайти ошпаз занг чалди. Эркак хотин, болалар биттада ер ичидан чиқиб тушликка келардилар. Шийонча утиргани шолча ҳам йук. Арих бўйлаги ажриқ устан жойга эркаклар деганимиз — кекса кичилар, яна бир жойга болалар деганимиз биз — усмирлар, яна бошқа кенроқ ерга аёллар дара куриб утиришди. Аёллар касаларига аталани куйдириб олиб келишарди. Хар кимнинг норма бажариши ва оиласиди одамлар сонига қараб биттадан нон таркатиларди. Куп утмай узокдан қора кашка от куришди. Бу киши жамоа ҳужагимизнинг раиси эди. У киши келишига эркаклар уринлардан туриб жой бердилар. Кимдир бориб бир косада овқат олиб келди.

Раис ҳақи косадаги овқатини ичиб булгани ҳам йук эди.

ки, ҳамма утирган хотинлар уринларидан туриб олишди. Эркаклар уша помонга қарадилар. «Нима гап, тишчиликми?» деб раис бригадирга қоши билан имо қилди. Бригадир ҳам ҳеч гапдан хабари йукдигини елкасини утириш билан билдирди. Ҳеч ким кимир этмас, орала нима бўлаётгани ҳам кузга ташланмасди. Одамлар ичиде утирган Усмонжон ака ичмас, нима бўлаётганини пайқаган булса ҳам ҳозирги топда билдиргиси келмасди. Шу пайт кимдир чиқирди. Бу чинқирик ҳар қандай одамни сескантириб юборадиган даражада эди. Бирданига момақалдиқроқдан кейин «булутлар орасини ериб, куеп кулиб чикқанилай чақалоқнинг интаингаси далани тутиб кетди. Аёллар томонидан «эй, ҳайрият-ей, жономон кутулиб олди», деган овоз келди. «Усмон ака, суюнчини тайёрланг, Мунисхон утил тутди», деди аёллардан бири. Эркаклар бу гапдан сунг Усмон акани «кулук булсин, утил қулуқ

булсин, умри билан, ризқи билан берган булсин», деб табриқладилар. Учга қиздан сунг утил курганлигини эшитган Усмон аканинг оғзи қулоғида эди.

Болани дадасининг белбоғи, кимнингдир румоли билан урладилар. Икки уртала хурсандчилигидан серрайиб қолган Усмон акага аёллардан бири келиб шийишди:

— Бригадирни чакириб, раиснинг отини суратинг.

Бригадир бироздан кейин ҳафсаласи пир булиб қайтди:

— Раис бир жойга шошпа-ляпти, отини беролмас экан.

Усмон ака уқинди. Узининг оти йуклигига, эрталаб Мунисхонни уйда қолавринг, деб кистамизинга тушаймон булди. Мунисхон учта боласини уйлаб, уларга ҳеч булмаса битта ортик нон олиб келарман, деган уйда аёлларга қушилиб келаверган эди.

Болани қулига олган Усмон ака, Мунисхоннинг йулга чиқилиши кутиб турди. У ёнига келганидан сунг даланинг чанг йулидан ялангоёқ қолди йулга тушдилар.

Собиқ раис эса... ёмон амаллари учун жазосини олиб, учгурт ойдан сунг чақалоқ туғилган дала шийончида оламдан утди.

Дадажон АБДУРАҲМОНОВ

Чироқ

Абу Али ибн Сино

Делим:

— Эй устоз, тирикликнинг қай бир соатлари зое кетган ҳисобланади?

Дели:

— Бировнинг ҳақиға яхшилик қилиш имкони бўлиб, уни дариг тутпан дакиқалар.

Делим:

муқофотдан воз кечмоқликдан.

Делим:

— Дунёда нима нишли?

Дели:

— Икки нарс: подпоҳларнинг тундлиги, товоддорларнинг бахиллиги.

Делим:

— Хоксорлик недур?

Дели:

ЗАҒАФАРНОМА

— Ҳаётнинг ҳаловати нимада?

Дели:

— Фароғат ва эминлик-да.

Делим:

— Дустликни барбод қиладиган иллат недур?

Дели:

— Турт нарс: буюқларнинг бахиллиги, донишмандларнинг худшисандлиги, аёлларнинг беҳаелиги, эркакларнинг ёлгончилиги.

Делим:

— Дунё кимлардан қардор?

Дели:

— Донишмандлардан.

Делим:

— Нетайки, табиға ҳожат қолмасин?

Дели:

— Кам сб, кам сўзлаб, кам ухла.

Делим:

— Оқил ким?

Дели:

— Кам гапириб, куп тинглайдиган, куп биладиган.

Делим:

— Хорлик недан?

Дели:

— Танбаллик ва бадах-лоқликдан.

Делим:

— Ранж недан?

Дели:

— Ёлғизликдан.

Делим:

— Ҳамият-у номусни барбод этадиган нарс недур?

Дели:

— Таъма.

Делим:

— Жаҳонда устунлик недан?

Дели:

— Беминнат хоксорликдан ва саховат курсатиб,

— Юзи ёруғлик ва уз-узи-дан мамунликдур.

Делим:

— Кимдан тadbир сурайин?

Дели:

— Уч фазилатли: пок, яхшиларга муҳаббат қўйган ва билимдон одамлардан.

Делим:

— Ул нималирким, одамлар мудом эҳтисеж сезадилар?

Дели:

— Уч нарс: доно янада доно одамларга, марл ҳарбийлар билан суҳбатга, ожизлар ҳийлакорликка ва гарки дунё қилганлар, инсофли булишса, ибодатта.

Делим:

— Одамлар хушҳол эслаб юралган нарс нимадир?

Дели:

— Уч нарс: муомалада зугм утказмаслик, ёлгон демаслик, гил билан бировни ранжитмаслик.

Делим:

— Билим олсам, нимага эришаман?

Дели:

— Агар бечора булсанг, бузург-у номдор булсан, атар қашшоқ булсанг, то-вонгарга айланасан, агар машхур булсанг, тагин ҳам машхур булсан.

Делим:

— Мол-мулкни нимадан аямаслик керак?

Дели:

— Қавмлардан одамларнинг ҳақини узиш, ота-она эҳтиёжларини қондириш, душманни дустга айлантириш ва дустни дўшман билан яраштириш.

Нусрат РАҲМАТ тайёрлади

Ойла ва жамият

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси,
Болалар жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

Шioriимиз:
Ойла - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турун кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди - 20.50.

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0185
20964 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Раҳмон ҚОДИР